

«Сендан нимани нафака килишни сўрарлар. «Нафака килган яхшилигингиздан ота-оналарга, якин кишиларга, етимларга, мискинларга ва ватангадоларга бўлсин. Қандай яхшилик килган бўлсангиз, албатта, Аллох уни билувчидир», деб айт». (Бакара 215)

Савол нимани нафака килиш хақида бўлган эди: «Сендан нимани нафака килишни сўрарлар».

Жавоб эса кимларга нафака килишни ҳам баён этипти: «Нафака килган яхшилигингиздан ота-оналарга, якин кишиларга, етимларга, мискинларга ва ватангадоларга бўлсин».

Демак, яхшилик нафака килинар экан.

Куръони Каримда хайр, яхшилик сўзи кўпинча мол-дунё маъносида ишлатилган. Бу жойда ҳам худди шу маънони англатмоқда.

Нафакага лойиклар ичида бекорга ота-она биринчи зикр қилинаётгани йўқ. Инсон табиати ўзи шуни такозо қилади. Ўзидан кейинги биринчи ҳақдор ота-онаси бўлади.

Ота-онасини мухтож қўйиб, улардан бошқаларга нафака килишдан нима фойда бор?

Шунингдек, якин кишилар, қариндошлар ҳақдорлик жиҳатидан бошқалардан устунлар ва хоказо. Нафака килиш худди шу тартибда бўлиши лозимлиги Пайгамбаримиз

(алайхиссалом)нинг ҳадисларида ҳам зикр қилинган.

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллох (розияллоху анху)дан ривоят қиладиларки, Пайгамбаримиз (алайхиссалом) бир кишига:

«Садака килишни ўзингдан бошла, ортиб қолса ахлингга қил, агар ахлингдан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил, агар қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, улардан бошқаларга ва хоказо», деган эканлар.

Нафака килиш бандадан, унинг савобини бериш, тақдирлаш Аллохдан. Чунки

«Қандай яхшилик қилган бўлсангиз, албатта, Аллох уни билувчидир».

Ибн Умар (розияллоху анху)дан ривоят қилинади:

«Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам):

«Уч нафар киши йўлда кетаётган эканлар, ёмғирда қолибдилар. Тогдаги горга кириб олибдилар. Бас, (уларнинг гориға) тогдан бир харсанг тушиб, чиқар йўлларини тўсиб қолибди. Улар бир-бирларига:

«Аллох учун қилган солих амалларингизга бир назар солиб, уларни васила қилиб Аллохга дуо қилинглр, шоядки, сизларга қушойиш берса», дебдилар.

Улардан бири:

«Эй бор Худоё! Албатта, менинг қари ота-онам бор эдилар. Менинг кичик ёшдаги болаларим ҳам бор эди. Уларнинг барчасининг риоясини қилардим. Уларнинг олдиға қайтиб келсам, сут соғиб, болаларимдан олдин ота-онамға ичирар эдим. Бир куни кеч қолиб, кечасиғача кела олмадим. Қелиб, икковларини ухлаб қолганларини кўрдим.

Одатдағидек, сут соғдим ва ота-онам икковларининг бош тарафларида уйғотиб юбормай, деб қутиб турдим. Болаларға ичиришни ҳам эп кўрмадим. Болалар очликдан оёғим остида қичкиришар эди. Тонг отгунча шу ҳолда турдим. Агар Сен шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга бир тирқиш очгин, осмонни кўрайлик»,

деди.

Бас, Аллох тиркиш очди. Ундан осмонни кўрдилар...

Уч киши йўлда кетаётиб ёмгирда қолибдилар. Ёмгирдан қочиб тоғдаги бир горга қирибдилар. Тоғдан бир катта харсанг тош думалаб тушиб, улар ўтирган горнинг огзини тўсиб қолибди. Уч мусофир жуда қийин ахволда қолибдилар. Хеч қим йўқ, тоғдаги горнинг ичидалар. Бировни ёрдамга чақириш ҳам мумкин эмас. Улкан тош тушиб, горнинг огзини беркитиб қўйган. Уни думалатиш ёки суришга қандай қурблари етсин! Аллохга ёлборишдан бошқа хеч қандай иложлари йўқ. Аммо Аллохга ёлбориш ҳам турлича бўлади. Банданинг қайси бир ёлборишини Аллох таоло тезроқ қабул қилади? Улар ўз ҳолатларидан қелиб қиккан ҳолда ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга қелибдилар.

«Улар бир-бирларига: «Аллох учун қилган солих амалларингизга бир назар солиб, уларни васила этиб, Аллохга дуо қилинглари, шоядки, сизларга қушойиш берса», дебдилар».

Улар Аллох таолога қуруқдан-қуруқ ёлборишни ўзларига эп қўрмадилар. Умрларида Аллох учун қилган солих амалларини васила эта туриб, Аллохдан омонлик сўрашни маъқул топдилар.

Биринчилари ўзининг қариб қолган ота-онасига Аллох учун чин ихлос билан қилган ҳурмат-эҳтироми ва хизматини васила этишга қарор қилибди. У кишининг қари ота-онаси билан бирга ёш болалари ҳам бор экан. Хар қуни қундалиқ ишидан қайтиб қелиб, қўйларини соғгач, ота-онасининг ҳурматини қилиб, сутни олдин уларга, сўнгра болаларига берар экан. Демак, уларнинг бошқа таомга имконлари йўқ экан. Бир қуни у ишидан кеч қайтибди. Қараса, ота-онаси ухлаб қолишибди. Одатдагидек, сутни соғибди. Соғилган сутни қўтариб ухлаб ётган ота-онасининг бошларига қелибди. Уларга озор бермаслик учун уйғотишни ўзига эп қўрмабди. Уйғониб қолсалар, қоринлари оч ҳолда мени излаб қолишмасинлар деб, жойидан қилмай тураверибди. Ўзи қундузи билан ишлаб қарчаб қелган бўлса-да, ухламабди. Болалари очликдан оёғи остида қйглаб турсалар ҳам, ота-онам уйғониб сутсиз қолмасинлар, деб сутни болаларига бермабди. Тонг отгунча шу ҳолатда, ота-онасининг бошида тик туриб қикибди.

Ана шу банда Аллох розилиғи учун ота-онасига ихлос билан қилган хизматларини васила қилиб, бошига тушган мушқулни аритишни сидқидилдан сўрабди. Аллох таоло у одамнинг илтижосини қабул қилиб, маъқур солих амали эвазига гор огзининг учдан бирини очибди.

Демак, ота-онага иззат-эҳтиром қўрсатиб, уларга ихлос билан Аллохнинг розилиғини истаб, хизмат қилиш фарзандга нафакат охирадда, балки бу дунёда ҳам яхшиликлар етишига сабаб бўлар экан. Хатто бошига тушган мушибатнинг қўтарилишига ҳам васила бўлар экан...

Шундай экан, ўзимизга савол бериб, унга инсоф ила жавоб берайлик-чи. Хаммамиз ҳам ота онамизга қерақлиғича нафақа қилиб қўямизми?

Болаларимизга неча бор сарфлаганимизда, ота онамизга бир бор сарфлаймиз?

Одинахон Мухаммад Юсуф